

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
“Tashkent city” ХИМ дирекцияси ДУК  
директори  
Харид комиссияси раиси**



**И.М.Шукуров**

**06 2022 йил**

**Тошкент шаҳар, Янгихаёт тумани, Сергели 8, 4P21 айланма автомобил йўли бўйи  
худудида “Box Street” лойиҳаси учун “Меъморий макет” ишлаб чиқишга  
Энг яхши таклифларни танлаш воситасида давлат харидларини амалга  
ошириш ҳужжатлари**

**\_\_\_ - сонли ТХ**

**Тошкент 2022 йил**

## Мундарижа

1. Энг яхши таклифларни танлаш воситасида давлат харидларини амалга ошириш тўғрисида эълон;
2. Ижрочилар билан ҳисоб-китоб тартиби;
3. Танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб;
4. Танлаш ўтказиш муддати;
5. Техник топшириқ *(1 илова)*;
6. Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби *(2 илова)*;
7. Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича талаб *(3 илова)*;
8. Буюртмачи ва ижрочи ўртасида тузуладиган бирламчи шартнома намунаси *(4 илова)*.

**I. Энг яхши таклифларни танлаш воситасида давлат харидларини амалга ошириш тўғрисида эълон**

т/р	Талаблар ва маълумотлар номланиши	Талаблар ва маълумотлар мазмуни
1.	Танлашни ўтказиш шакли	Балл услуги, энг яхши таклиф танлови учун иштирокчилар томонидан электрон тарзда <a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> портали орқали такдим қилинган ҳужжатларнинг техник ва нарх қисмлари комиссия аъзолари томонидан сифат ва ишончилиги ўрганилиб баҳоланади, энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб бўлади.
2.	Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи	Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Сергели 8, 4P21 айланма автомобил йўли бўйи ҳудудида “Box Street” лойиҳаси учун “Меъморий макет” ишлаб чиқиш. Батафсил талаблар тавсифи ва бошланғич нарх қиймати техник топшириқда белгиланган.
3.	Иштирокчилар томонидан таклифларни такдим этиш муддати	Ушбу эълон <a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> порталига жойлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни давомида.
4.	Танлаш ҳужжатларини тайёрлаш тили	Ўзбек ва рус тилларида
5.	Боғланиш учун алоқа маълумотлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Tashkent city” ХИМ дирекцияси ДУК харид комиссиясининг масъул котиби Б.Хасанов. Тел: +998 90 315 22 09
6.	Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 39-уй

## **II. Ижрочилар билан ҳисоб-китоб тартиби**

Ғолиб билан ҳисоб-китоб миллий валютада (*сўм*) амалга оширилади. Танлов ғолибига шартнома имзолангандан сўнг 5 банк иш куни давомида шартнома қийматининг 30% миқдори олдиндан тўлов тариқасида ўтказиб берилади. Қолган 70% миқдоридagi маблағ, техник топшириқда белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилиб, “Меъморий макет” тайёрланиб, буюртмачи билан келишилган манзилга етказилиб, ўрнатиш ва ишга тушириш ишлари якунланганидан кейин текшириб чиқилиб 5 банк иш куни давомида ўрнатилган тартибда танлов ғолибига ўтказиб берилади.

## **III. Танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тўғрисидаги талаб**

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда <https://etender.uzex.uz> порталига электрон танловда қатнашиш учун жойлаштириши лозим. Таклифларни ўзбек ва рус тилларида тайёрлаш талаб этилади.

## **IV. Танлаш ўтказиш муддати**

Буюртмачи томонидан эълон <https://etender.uzex.uz> порталига 5 иш кунига жойлаштирилади.

## **V. Техник топшириқ**

Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Сергели 8, 4P21 айланма автомобил йўли бўйи ҳудудида “Box Street” лойиҳаси учун “Меъморий макет” ишлаб чиқишга техник топшириқ 1 иловага мувофиқ мазкур танлаш ҳужжатларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

## **VI. Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби**

Баҳолаш мезонлари буюртмачи томонидан 2 иловада белгиланган талаблар асосида танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган маълумотларни мувофиқлигини кўриб чиқиб балл қўйиш шаклида баҳоланади.

Иштирокчилар қўйилган талаблар учун тақдим қилган ҳужжатларига, яъни техник қисми 80 ва нарх қисми бўйича 20 жами 100 балл тўплашлари мумкин.

*Эслатма: Техник қисмдаги бирорта талабга жавоб бера олмаган иштирокчилар танловдан четлаштирилади.*

## **VII. Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича талаб**

Иштирокчилар томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик тўғрисида ташкилотнинг бланкида, раҳбар томонидан имзоланган ва муҳрланган ёзма шаклида қафолат хати бириктирилиши зарур.

## **VIII. Буюртмачи ва ижрочи ўртасида тузиладиган бирламчи шартнома намунаси**

Буюртмачи ва ижрочи ўртасида тузиладиган бирламчи шартнома намунаси 4 иловага мувофиқ тузилади ва расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Сергели 8, 4P21 айланма автомобил йўли бўйи  
ҳудудида “Box Street” лойиҳаси учун “Меъморий макет” ишлаб чиқишга  
Энг яхши таклифларни танлаш воситасида давлат харидларини амалга  
ошириш \_\_\_ - сонли ТҲга

### КЕЛИШУВ ВАРАҒИ


“Tashkent city” ХИМ ҳудудидаги  
объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш  
Дирекцияси ДУК  
**Комиссия аъзолари**

Молиялаштириш ва манзилли дастурларни  
тайёрлаш бўлими бошлиғи




Ў.Маллобоев

Қурилишни техник назорат қилиш бўлими  
бошлиғи



О.Собиров

Иқтисодий режалаштириш ва хўжалик-  
шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи




Д.Садуллаев

Лойиҳаларни бошқариш ва лойиҳа  
ҳужжатларни тайёрлаш бўлими бошлиғи



И.Козлов

Бош ҳисобчи



У. Абдурахмонов

Юрисконсулт

С.Қодиров

Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Сергели 8, 4Р21 айланма автомобил йўли бўйи ҳудудида "Box Street" лойиҳаси учун "Меъморий макет" ишлаб чиқишига  
Энг яхши таклифларни танлаш воситасида давлат харидларини амалга ошириш ҳужжатлари

Иштирокчилар учун асосий талаблар

Т/р	Кўрсаткичлар	Номи	Талаб этилган қиймат	Мин.-Макс.балл	Зарурийлиги	Сўлиштирма оғирлик	Баъафсил маълумот	
1	Моддий-техник базасининг мавжудлиги	1. "Меъморий макет" ишлаб чиқиш учун моддий-техникаларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот: - лазерли ускуна; - кесадиган (фрезер) дастох; - пардозлаш (ранг пурковчи) ускуна ва макет ишлаб чиқиш учун юқори талабдаги ёрдамчи курималарнинг рўйхати.	Матн кўринишида	0 - 10	Мажбурий	10	Асословчи ҳужжат	
2	Феолиятни амалга ошириш учун ҳужжатларнинг мавжудлиги	Банкдан картотека мавжуд эмаслиги тўғрисида олинган асл нусхада маълумотнома Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича қафолат хатининг мавжудлиги (3 иловага асосан) Давлат рўйхатидан ўтган тегишли гувоҳнома	Матн кўринишида Матн кўринишида Матн кўринишида Матн кўринишида	0 - 5 0 - 5 0 - 5 0 - 10	Мажбурий Мажбурий Мажбурий Мажбурий	5 5 5 10	Меълумотнома (олинганига бир ойдан ошмаган бўлиши шарт) Меълумотнома (олинганига бир ойдан ошмаган бўлиши шарт) Қафолат хати Лицензия	
3	Ташкилотнинг тавсифи	Ташкилот портфолиноси, жумладан, 3D тасвирлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган макетларнинг намуналарини тақдим этиш.	Матн кўринишида	0 - 10	Мажбурий	10	Портофолио (асословчи ҳужжатлар)	
4	Мутахассисларга бўлган талаб	Қўйилганлар ҳақида маълумотлар мавжудлиги: - ушбу "Меъморий макет" ишлаб чиқиши учун бириктирилган мутахассис (маълумоти, иш тажрибаси ва шу каби ишларни амалга ошириш тажрибаси); - ташкилотда феолият юритувчи ходимлар таркибиде лойиҳачи, пардозчи ва дахлдор мутахассислар мавжудлигини (Ф.И.Ш.), лавозими ҳамда иш тажрибаси (йил) ҳақида тўлиқ маълумот.	Матн кўринишида	0 - 10	Мажбурий	10	Асословчи ҳужжат	
5	Бошқа талаблар	- "Меъморий макет" ишлаб чиқиш муддати (тасдиқланган кўринишда); - Буюртмачи билан белгиланган жойга етказиб, ўрнатиб ишга тушириб бериш тўғрисида маълумот; - "Меъморий макет" ишлаб чиқиш ўз вақтида топириш тўғрисида қафолат хати; - Буюртмачи томонидан тақдим қилинган техник топирикни (1 илова) ташкилот раҳбарни имзо ва муҳри билан келишиши талаб этилади.	Матн ва расм кўринишида	0 - 10	Мажбурий	10	Асословчи ҳужжат ва қафолат хати	
6	Иш тажрибасига қўйилган талаблар	"Меъморий макет" ишлаб чиқиш тўғрисидаги маълумотлар, амалга оширилган ишлар рўйхати, ташкилот раҳбарни имзоси ва муҳри билан тақдимланган ҳолда.	Матн кўринишида	0 - 15	Мажбурий	15	Асословчи ҳужжат	
<b>УМУМИЙ БАЛЛ:</b>							80	

*Хасанов*

Б.Б. Хасанов

Бирламчи рухсат берувчи ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўлими мутахассиси

## ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

«Tashkent city» Дирекцияси ДУК  
харид комиссияси  
раисига

## КАФОЛАТ ХАТИ

Мазкур хат билан \_\_\_\_\_ :

(ташкilot номи)

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки тўловга қобилятсизлик босқичида эмаслигини;
- буюртмачи билан суд иши кўрилатган ҳолатда эмаслигини;
- мол-мулки хатловга олинмаганлигини;
- аввал тузилган шартномалар бўйича тегишли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмаслигини;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликлари мавжуд эмаслигини;
- оффшор зоналарда рўйхатга олинмаганлигини ва оффшор зоналарда банк ҳисоб рақамлари мавжуд эмаслигини;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслигини;
- Шартномани бажариш учун техник, молиявий, моддий, кадрлар ва меҳнат ресурслари мавжудлигини;
- Биз ўз томонимиздан ушбу танлов билан боғлиқ ахборотнинг махфийлигини ва танлов таклифимизни тайёрлаш ва беришга алоқадор бўлмаган шахсларга ёки ташкilotларга ошкор қилмасликни кафолатлаймиз.

Биз олган Таклифни қабул қилиш тўғрисидаги хабарнома бизга Сиз билан расмий шартнома тузиш мажбуриятини юклашини ва биз томондан унинг бажарилиши таъминланишини тасдиқлаймиз.

Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни Харид комиссияси баён билан тасдиқланган ва кейинчалик ўзгартириб бўлмайдиган, келишилган нархларда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Юрисконсулт Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Мухр ўрни